



*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик
институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг
Ўзбекистондаги Лойиҳалари координатори ўртасидаги*

ЎЗАРО АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Ушбу Англашув меморандуми (кейинги ўринларда – Меморандум) **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** (кейинги ўринларда – **Марказ**), **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг** (кейинги ўринларда – **ЕХХТ**) **Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси** (кейинги ўринларда – **ДИИХБ**), **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Лойиҳалари координатори** (кейинги ўринларда – **Лойиҳалар координатори**) ўртасида тузилган. Марказ, ЕХХТ ДИИХБ ва Лойиҳалар координатори кейинги ўринларда – “Томонлар”, алоҳида келганда – “Томон” деб юритилади.

ДИИХБ ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари, демократлаштириш ва ҳуқуқ устуворлиги соҳасидаги мажбуриятлари бажарилишига кўмаклашувчи ихтисослашган институти эканини; тегишли мандатга, хусусан, ЕХХТга аъзо давлатларнинг давлат муассасаларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ваколатига эгалигини ҚАЙД ЭТГАН ҲОЛДА;

ДИИХБ Ўзбекистон Республикасида Лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда ДИИХБ ЕХХТ ваколатига тааллуқли масалалар бўйича лойиҳаларни амалга оширишини ҲИСОБГА ОЛИБ;

Томонларнинг келгусида қонунчиликни ва унинг амалда қўлланилишини ушбу соҳадаги халқаро стандартлар ва амалиётга

мувофиқ равишда такомиллаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини НАЗАРДА ТУТИБ;

ЮҚОРИДА БАЁН ЭТИЛГАНЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ва ўз хоҳиш-иродаларини ифода этган ҳолда, Томонлар қуйидагилар ҳақида ўзаро англашувга эришдилар:

1-модда.

Ушбу Меморандум ўзаро ҳамкорлик ва англашувнинг асосларини белгилайди, шунингдек қуйидаги мақсадларга эришиш учун Томонларнинг ҳамкорлик қилишларига кўмаклашади:

(а) Ўзбекистон ҳукуматига ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари доирасида Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши борасида самарадорликни оширишга кўмаклашиш;

(б) қонунчиликни янада такомиллаштириш ва халқаро стандартлар, шу жумладан ЕХХТ мажбуриятлари ва илғор тажрибага мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида инсонийлик мезонларига тааллуқли Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунлар ва қонун лойиҳаларини ўрганиш ва таҳлил қилишда ДИИХБ томонидан кўмак берилиши;

(с) Ўзбекистон ҳукуматига инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий стандартларни миллий қонунчилик ва амалиёт орқали имплементация қилишга кўмаклашиш;

(д) Ўзбекистон ҳукуматига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлар ижроси устидан миллий назорат механизмини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

(е) инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳуқуқий маърифат ва таълимга, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ноширлик фаолиятига кўмаклашиш;

(ф) Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тегишли институтларининг ЕХХТга аъзо бошқа давлатларнинг тегишли институтлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришга кўмаклашиш.

2-модда.

Томонлар ўртасидаги келишувга ва келажақдаги маслаҳатлашувларга, маблағларнинг мавжудлиги ва зарур ҳолларда, тегишли ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилиши билан боғлиқ талабларни эътиборга олган ҳолда, 2021-2023 йиллар давомида ушбу Меморандум мақсадларига эришиш учун Меморандумнинг 1-моддасида белгиланганидек ўз ваколатлари доирасида:

1. ДИИХБ Лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда, тегишли ҳолларда, қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

(a) Зарурат туғилганда ва талаб этилган ҳолларда ЕХХТнинг инсонийлик меъзонлари доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги Ўзбекистон мажбуриятларини бажаришга жалб этилган Марказ ва бошқа манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлари мутахассисларининг салоҳиятини оширишни таъминлаш;

(b) Марказ томонидан бевосита ёки Ўзбекистоннинг бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда, ДИИХБнинг ички тартиб-қоидалари ва имкониятларига мувофиқ ҳолда тақдим этилган расмий сўров асосида қонун лойиҳалари ва/ёки амалдаги қонунлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар тайёрлаш;

(c) Марказий Осиё минтақасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларни бажариш ва мониторинг қилишда иштирок этадиган тегишли тузилмалари имкониятларини ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, инсон ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё таълим маркази концепциясини ишлаб чиқишда Марказга экспертлар тавсияларини бериш йўли билан кўмаклашиш.

2. Лойиҳалар координатори ДИИХБ билан ҳамкорликда, тегишли ҳолларда, қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

(a) “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар тавсияларининг бажарилиши мониторинги” мавзусида ўқув курси ташкил этишга кўмаклашиш;

(b) “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича мониторинг ва истикболдаги вазифалар: Миллий механизмлар ҳисобдорлиги ва кейинги тадбирлар бўйича раҳбарий қўлланма” номли китоб-маълумотномани нашр этишга кўмаклашиш;

(c) Марказ ходимлари учун ЕХХТга аъзо бошқа давлатларга танишув сафарларини ташкил қилиш;

(d) ДИИХБнинг алоҳида нашрларини ўзбек тилига таржима қилиш, нашр этиш ва тақдимотини ўтказиш ишларида кўмаклашиш.

3-модда.

Ушбу қайд этилган тадбирларни самарали режалаштириш ва бажариш мақсадида Марказ қуйидагиларни амалга оширади:

(a) Меморандум доирасида самарали ҳамкорлик қилиш, мувофиқлаштириш ва унинг ижросини таъминлаш учун ўз координаторини тайинлаш;

(b) 2-моддада қайд этилган тадбирларни лойиҳалар даврий рўйхатига (циклига) ҳамда Лойиҳалар координатори ва ДИИХБнинг ички тартиб-қоидаларига мувофиқ равишда режалаштириш даврий рўйхатига киритилишига эришиш учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш ва кўмаклашиш;

(c) Юқоридаги тадбирларни ташкил этиш учун миллий экспертлар ва Марказнинг тегишли мутахассислари орасидан ходимлар билан таъминлаш.

4-модда.

1. Ушбу Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ҳамда халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақозо этмайди.

2. Меморандум Томонлар томонидан молиявий ёки бошқа йўллар билан ҳеч қандай мажбуриятлар яратмайди.

3. Ушбу Меморандумга мувофиқ Томонлар ўртасида маблағ ўтказиш билан боғлиқ кейинги ҳар қандай лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, агар улар мавжуд бўлса, Томонлар ўртасида расмий тасдиқлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида ёзма шартномалар орқали амалга оширилади.

5-модда.

Томонлар ушбу Меморандум доирасида ўзаро ҳамкорликдаги фаолият давомида юзага келадиган барча низо ва баҳсларни музокаралар йўли билан ҳал этиш учун барча чораларни кўрадилар.

6-модда.

Ушбу Меморандумда ҳеч нарса тўғридан-тўғри ёки билвосита ДИИХБ ва Лойиҳалар координатори фойдаланадиган имтиёз ва иммунитетлардан воз кечишни англатмайди.

7-модда.

1. Ушбу Меморандум 2020 йил 12 ноябр – 2023 йил 31 декабргача қўлланилади. Меморандумнинг қўлланилиши муддати Томонларнинг ёзма розилигига кўра узайтирилиши мумкин.

2. Меморандумнинг қўлланилиши ёзма билдиришнома тақдим этиш орқали бекор қилиниши мумкин ва Меморандумнинг амал қилишини

тўхтатиш тўғрисидаги бундай билдиришнома бошқа Томонларга юборилган санадан бошлаб бир ой ўтганидан сўнг Меморандум ўз кучини йўқотади. Ҳар қандай тугатиш ва амал қилишини тўхтатиш жорий фаолиятни тартиб билан тугатиш имконини беради.

3. Ушбу Меморандумга киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар, шу жумладан юқоридаги 2-3-моддаларда кўрсатилган тадбирлар рўйхати, қўшимча баённома орқали ёзма равишда тақдим этилган ва ҳамма Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда, ўз кучига эга бўлади.

Меморандум Тошкент ва Варшава шаҳарларида 2020 йил “12” ноябрда ўзбек, инглиз ва рус тилларида – уч нусхада имзоланган бўлиб, барча матнлар бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази номидан

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик
ташкилотининг Демократик
институтлар ва инсон ҳуқуқлари
бўйича бюроси номидан

Акмал Саидов

Директор

Катаржина Гардапхадзе

**Директорнинг биринчи
ўринбосари / Директорнинг в.б.**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг
Ўзбекистондаги Лойиҳалари координатори номидан

Элчи Жон МакГрегор

Миссия раҳбари